Ушбу сонда:

2 САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

3 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ВА «ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

4 ҲАЛОЛЛИК буюкликнинг айни ўзидир

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 28 май, сешанба №85 (1302)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БМТ ВИКТОРИНАСИГА МАРҲАМАТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонасида «БМТ билан ўйна» викторинаси бошланишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Танлов ушбу халқаро ташкилот ваколатхонаси ахборот маркази ва Европа иқтисодий комиссияси томонидан учинчи бор ташкил этиляпти. Уни ўтказишда Швейцария элчихонаси, БМТ Тараққиёт дастури (UNDP), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), «Штейнер индастриз» компанияси ва бошқа ташкилот ҳамда оммавий ахборот воситалари кўмаклашмоқда.

Викторинада 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари қатнашади. Танлов БМТ муассасалари ва дастурлари, унга аъзо мамлакатлар, мазкур ташкилотнинг тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда инсонпарварлик фаолияти тўғрисида кўплаб маълумотларни билиб олишга ёрдам беради.

Бош соврин эгаси Женевага сафар қилади ва БМТнинг Европадаги қароргоҳи билан танишади.

(ЎзА).

«УНИВЕРСИАДА - 2002» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Сизларнинг барчангизни қадимий Бухоро шаҳрида бунёд этилган мана шу замонавий ва муҳташам спорт мажмуида Ўзбекистон талаба ёшларининг «Универсиада - 2002» мусобақаларининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан табриклаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу универсиада наинки унинг қатнашчилари, балки бутун халқимиз, авваламбор, ёшларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган муҳим бир воқеадир.

Бугунги кунда Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, фаровон ҳаётга эришиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадларга етиш йўлида биз таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш ёшларимизга беқиёс орзу-умидлар билан қараймиз.

Биз учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифа - нафақат маънавий етук, зукко ва билимдон, шу билан бирга, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш - бу бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмас ягона мақсад бўлиши даркор.

Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур.

Шу маънода, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичдан иборат яхлит тизимнинг амалга оширилиши ана шу йўлда қилаётган салмоқли ишларимизнинг яққол намоёни, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу тизимнинг юқори босқичи бўлган универсиада, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос спорт олимпиадасидир.

Мана шу унутилмас дақиқаларда сиз - бутун борлиғидан куч-ғайрат ёғилиб турган соғлом ва навқирон ёшларимизнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, ушбу муаззам, замонавий стадионда сизларнинг мингминглаб тенгдошларингизни, сизларга катта ҳавас ва умид билан қараётган барча ўғил-қизларимизни кўргандек бўламан ва бундан кўпчилик қатори менинг ҳам юрагим қувонч ва ғурурга тўлишини изҳор этмоқчиман.

Эртанги умидимиз, ифтихоримиз бўлган сиз каби ёшларни воягa етказган ота-оналарингизга, ҳаётга йўлланма бераётган устозмураббийларингизга самимий миннатдорлик билдираман.

Ва сизларга қарата яна шуни айтмоқчиманки, бугун ҳаётга қадам қўяр экансиз, белни қаттиқ боғлаб, кураш майдонига чиқаётган экансиз, олдингизга қўйган марраларингиз доимо баланд ва юксак бўлсин, иродангиз бақувват, ишончингиз мустаҳкам бўлсин.

Шуни унутмангки, сизларнинг ортингизда ҳар қарич тупроғи мўътабар Ватанингиз, бағрикенг, матонат ва қудрат соҳиби бўлмиш халқингиз бор.

Азиз фарзандларим!

Ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами -универсиада мусобақалари юксак сафарбарлик, соғлом рақобат, ҳалол курашчанлик руҳида ўтади, деб ишонаман.

Умид қиламанки, бу мусобақалар келажакда ўзбек спортчиларининг жаҳон олимпиадаси шоҳсупаларига кўтарилиши учун бамисоли зинапоя бўлиб хизмат қилади.

Сиз, универсиада қатнашчиларига баланд руҳ, азму шижоат, қатъиятлик, шу билан бирга, бағрикенглик ва мардлик, ҳақиқий спортчиларга хос хусусият ва фазилатлар доимо ёр бўлишини истаб қоламан.

Сизларга сиҳат-саломатлик, ҳаётдан кутаётган барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҲУРМАТЛИ ҲОФИЗ ОЛЛОНАЗАРОВ!

Сизга халқимиз маънавий меросининг беқиёс намунаси бўлмиш қадимий нота ёзуви - «Танбур чизиғи» қўлёзмасини тақдим этганингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Мана шундай бебаҳо асарни кўп йиллар давомида кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келгани учун Сизнинг ота-боболарингизга, оила аъзоларингизга мамлакатимиз мусиқа жамоатчилиги номидан, ўз номимдан ташаккур айтиш ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман. Бу, ўз навбатида, аждодларимизнинг маърифатни, санъат ва маданиятни нечоғли юксак қадрлаганидан, доимо эзгуликка интилиб яшаганидан далолат беради.

Бой ва бетакрор мусиқа санъатимиз тарихининг ёдгорлиги бўлган бу нодир қўлёзма Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа музейида сақланишини маъқул деб биламан. Бу ноёб асар миллий мусиқамиз асосларини ўрганишда муҳим қўлланма, айни пайтда мумтоз ўзбек санъатининг барча ихлосмандлари учун фахр-ифтихор манбаи бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Сизга яна бир бор ўз ташаккуримни изҳор этаман, хонадонингизга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилайман.

Доимо соғ-саломат бўлинг.

Эҳтиром билан,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Пойтахтимизнинг Миробод туманида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан хайрли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, куни кеча мазкур туман ижтимоий таъминот бўлими ҳузурида қарияларни соғломлаштириш маркази очилди.

КЕКСАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу марказда кекса отахон ҳамда онахонларимизга малакали шифокорлар хизмат кўрсатади. Янги шифо масканини дори-дармон билан туман тадбиркорлари таъминлайди.

(ЎзА).

ДУРДОНА

Жаҳон аҳли тобора кенг эътироф этаётган миллий мусиқа санъатимизнинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда, оҳангларни қоғозга туширишга илк бор бир неча асрлар аввал киришилган. Хоразмда оҳангларни қоғозга тушириш борасида катта ишлар қилингани маълум. Муҳаммад Раҳимхон Феруз кўрсатмасига биноан Комил Хоразмий томонидан ихтиро қилинган нота ёзуви асосидаги «Танбур чизиғи» Хоразм уста созандалари иштирокида мусиқий ва шеърий матнлари ёзилиб, китоб ҳолига келтирилган.

Искандар Ёқуб ўғли Хоразмнинг машҳур ҳофизларидан бўлиши билан бирга миллий санъатимиз, маданиятимиз тарихига оид ноёб қўлёзмаларга, хусусан, «Танбур чизиғи»нинг мукаммал ва антиқа намунасига эга эди. Йиллар ўтгач, ушбу бебаҳо асар аввал унинг фарзандлари - Жуманиёз ва Оминага, сўнг невараси Ҳофиз Оллоназаровга мерос бўлиб қолади.

Ҳофиз Оллоназаров хонадонида кўп йиллар мобайнида сақланиб келаётган маънавий хазинамизга оид «Танбур чизиғи» қадимий нота қўлёзмасини яқинда Президентимизга тақдим этди. Шу муносабат билан пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи ушбу ҳамюртимиз хонадонига бир гуруҳ жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жавоб мактуби ҳамда эсдалик совғаси Ҳ.Оллоназаровга топширилди.

Мактубда шундай бебаҳо асарни кўп йиллар мобайнида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келгани учун Ҳ.Оллоназаровнинг оила аъзоларига самимий миннатдорлик билдирилган.

Ҳақиқатан ҳам бу ноёб асар миллий мусиқа асосларини ўрганишда муҳим қўлланма, айни пайтда ўзбек санъати ихлосмандлари учун ифтихор манбаи бўлиб қолиши шубҳасиз. Мутахассисларнинг фикрича, унинг нодирлиги шундаки, асарда ҳозиргача санъатшунос ва мусиқашунослар учун номаълум бўлган тўқсон еттита мумтоз ашулалар мавжуд. Улар, асосан, дутор ва танбур мақомларининг айтим йўлларига тааллуқлидир. Эътиборли томони, ундан ашулалар матни, хусусан, Навоий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо, Ҳофиз Шерозий ғазаллари ва халқ оғзаки ижодиёти намуналари ўрин олган.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ушбу нодир нота ёзувини мазкур олий ўқув даргоҳининг мусиқа музейига топшириш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизда бой ўтмишимиз, маънавиятимизни тиклаш, миллий мусиқа санъатимизни янада равнақ топтиришдек эзгу юмушлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани таъкидланди. Зеро, дунёнинг энг бообрў санъат саройларидан қолишмайдиган мазкур кошонанинг қад ростлаши ва унда шундай хайрли тадбирнинг ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Равшан Юнусов, таниқли дирижёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Феруза Абдураҳимова, ушбу олий ўқув юрти аспиранти, «Тавоис» гуруҳининг раҳбари Роза Ҳайдарова ва бошқалар юртимиз мусиқа санъати ривожига кўрсатаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

- Юртбошимиз республикамизнинг мендек оддий бир фуқаросига эътибор бергани оила аъзоларимизни беҳад мамнун этди, - деди Ҳофиз Оллоназаров. - Хатимга жавоб мактуби йўллаганлари ҳар бир оддий ўзбекистонликка нисбатан Президентимиз эътиборининг ёрқин намунасидир. У кишининг ташаббуслари билан қадимий нотанинг консерваторияга тақдим этилиши эса Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга, дунёни тобора ҳайратга солаётган миллий санъатимиз ривожига бўлган юксак ғамхўрликнинг ифодасидир. Бунинг учун Президентимиздан жуда миннатдормиз!

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган сурат.

ХАЛҚ РУҲИНИНГ БОҚИЙ КЎЗГУСИ

Бундан бир йил муқаддам, айни баҳор фаслида халқимизнинг бетакрор миллий қадриятларини асрлар оша асраб-авайлаб, ардоқлаб келаётган тоғли Бойсун элини, бу қадимий масканни нуфузли халқаро ташкилот - ЮНЕСКО «Инсоният оғзаки ва маънавий мерос дурдонаси» деб тан олинган 19 минтақа қаторига қўшган эди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси халқ оғзаки ижоди, миллий ҳунармандликнинг ноёб намуналари, бетакрор урф-одатларни авайлаб-асраш, бойитиш, ёш авлодни бу улкан меросга ҳурмат ва эътибор руҳида тарбиялаш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси таклифига асосан «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивалини ўтказиш тўғрисида махсус фармойиш қабул қилди.

Республикамизнинг барча масъул ташкилотлари, Бойсун эли, маҳаллий ҳокимлик тизимлари, ҳомий ва жамоат ташкилотлари ушбу фестивалга қизғин ҳозирлик кўришди. Сўлим ва фусункор баҳорнинг сўнгги кунларида тоғлар ўлкаси Бойсун байрам либосига бурканди. Фестивал шаҳарчасининг марказидаги ўн минглаб томошабинни бағрига сиғдирадиган ва байрам руҳига монанд қилиб безатилган ўтовлар тикилган «Алпомиш» майдонида чинакам санъат байрами бўлиб ўтди.

Фестивалга жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюрди. Улар дунё цивилизацияси бешикларидан бири бўлган Сурхон воҳасида, хусусан, тоғли Бойсун туманида ўзбек халқининг қадимий ва теран маънавий дурдоналари нечоғли асраб-авайлаб, ардоқлаб келинаётганини ўз кўзлари билан кўриш бахтига мушарраф бўлди.

25 май куни фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Сурхондарё вилояти ҳокими Тошмирзо Қодиров очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали иштирокчиларига йўллаган табригини Бош вазир ўринбосари, фестиваль ташкилий қўмитаси раиси Ҳамидулла Карократов ўқиб эшиттирди. Мамлакатимиз раҳбари табригини фестивал иштирокчилари қизғин олқишлар билан кутиб олди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн фестиваль ташкилотчилари ва ҳомийларини самимий қутлаб, ушбу тадбир жаҳон миқёсида анъанавий бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Кунчиқар мамлакатдан келган профессор Хошимо Хирошу, франциялик қадимшунос олима Ивана де Санк, Жанубий Кореялик санъатшунос Квон Охсанг Бойсун байрами халқлар ўртасида маданий ва ижодий алоқаларни янада ривожлантириш, тинчлик, дўстлик, инсонпарварлик, инсоният ўтмишига ҳурмат ва эҳтиром ғояларини мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса бўлиб қўшилажагини таъкидладилар. Майдон узра Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси янгради.

Шундан сўнг, «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивалининг тантанали очилишига бағишланган театрлаштирилган катта байрам дастури намойиш этилди. Фольклор-этнографик дасталар, таниқли санъаткорлар ижросидаги терма, лапар ва халқ қўшиқлари, куй ва рақслар меҳмону мезбонларда завқ ва ҳаяжон уйғотди.

Фестивал дастури доирасида «Бойсунтоғ» шарқона фольклор марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу марказ халқ оғзаки ижодини ва маънавий меросни кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни миллий анъаналар ва қадриятлар руҳида тарбиялаш, бу меросни чет элларга танитишда илмий-ахборот маркази вазифасини ўтайди.

Шунингдек, «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» мавзуидаги илмий-амалий анжуман ҳам хорижлик меҳмонларни Бойсун маданияти мисолида қадим ўзбек элининг боқий қадриятлари билан таништирди.

Бойсунда уч кун давом этган фольклор-этнографик ансамблларида, бахшилар, анъанавий мусиқа ижрочилари ва либос дизайнерлари танлови юксак савияда ўтди. Унда Япония, Корея, Франция, Туркия, Буюк Британия давлатлари, қўшни Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондан келган фольклоршунослар, мусиқашунослар, тарихчилар иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбарининг фестивал иштирокчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, фестивал турли миллат ва элатларга хос фольклор намуналарини намойиш этиш билан бирга, айни вақтда халқимизнинг қадимий санъати, юксак ижодий салоҳияти, бағрикенглик ва меҳмондўстлик фазилатларини ҳам намоён этди. Фестивалнинг танловлар бўйича ҳакамлари «Бойсун» фольклор-этнографик халқ ансамбли, «Қуралай» болалар республика намунали фольклор-этнографик ансамбли, Самарқанднинг «Човка», Жиззахнинг «Гаштак», Хоразмнинг «Оразибон», Тошкент шаҳрининг «Гавҳар», Фарғонанинг «Чодир», Қашқадарёнинг «Чироқчи чироқлари», Сариосиёнинг «Анор» каби фольклор дасталарини танлов ғолиблари деб топди. Бахшилар танловида Шомурод, Шоберди, Рустам бахшиларга тенг келадигани топилмади. Шуҳрат Холхўжаев танбурдаги дилтортар наволари учун Турғун Алиматов совринига сазовор бўлди. Япониялик Шимар Изованинг ўзига хос ижрочилик санъати ҳам танлов ҳакамлари ва томошабинларда катта таассурот қолдирди. Либослар дизайни танловида Сайёра Мўминова, анъанавий ижрочиликда қирғизистонлик Рисқбек Юнусов ва бошқаларнинг санъати алоҳида таъкидланиб, қимматбаҳо совринларга лойиқ деб топилди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ - МАРРАДА

Фахр

Ўзбек халқининг буюк фарзандлари - мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар тавалуд топган қадим Бухоро замини шу кунларда Ўзбекистоннинг спортчи ёшларини қабул қилмоқда. Бу ерда «Универсиада-2002» республика талабалар спорт мусобақалари бошланди. Ушбу тадбир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.

Бугунги кунда республикамиз ҳақли равишда спорт мамлакати саналади. Биз ўз ҳамюртларимиз - Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ғолиблари билан фахрланамиз. Ўзбекистон Давлат байроғи энг нуфузли халқаро спорт майдонлари узра кўтарилмоқда. Бу эса республикамиз раҳбариятининг оммавий спортни ривожлантиришга бўлган доимий эътибори самарасидир. Спорт бугунги кунда мустақил мамлакатимиз ёшларини тарбиялашнинг узвий қисмига айланди. Янги авлод баркамол, жисмонан ва маънан соғлом бўлиб улғайиши давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифадир.

Президент Ислом Каримов ташаббусига биноан ўсиб келаётган авлодни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида жисмоний тарбиялаш, оммавий равишда спортга жалб этиш бўйича мамлакатимизда ўзига хос тизим шакллантирилган. Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» ўйинлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ўйинлари, олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақалари мазкур узлуксиз тизимнинг таркибий қисмига айланди. Бугунги кунда ушбу тизим бутун дунёда янги технология сифатида тан олинди ва эътибор билан ўрганилмоқда. Бухородаги «Универсиада-2002» спорт мусобақалари очилиш маросимига 50 га яқин давлат вакиллари ташриф буюргани бунинг тасдиғидир. Мусобақалар дунёнинг 30 та мамлакатига намойиш этилмоқда.

...Чорлов садолари янграб, Бухоро марказий стадиони камалак жилолари билан товлана бошлайди. Стадионда бунёд этилган юксак миноаларга ўрнатилган ўнлаб чироқлар порлайди. Майдонга бирин-кетин ёшлар ҳаваскор жамоалари қатнашчилари кириб келади.

(Давоми 4-бетда)

ОМИЛКОРЛИК ВА ТАШАББУС

туфайли инқироздан чиқилди

Корхонамиз бундан бир неча йил олдин инқирозга юз тутди. Маъмурият олдида юзлаб одамларнинг иш ўрнини сақлаб қолишдек муаммо кўндаланг турарди. Етти хазинанинг бири- парранда корхонасининг барҳам топиши қишлоқ аҳолиси учун жиддий ташвиш эди. Ахир чўлқуварларнинг кўпчилиги шу ерда ишлаб, даромад олишаётган эдида. Бир неча йиллик танаффус кўпчиликда умидсизлик ўйғотди. Ниҳоят, хориж сармоясини олиб кирмасдан ўзгариш ясаш мумкин эмаслигини англаб етдик. Изланиш, интилиш, кўплаб мулоқотлар натижаси ўлароқ Германиянинг «Ариан Хафиз» фирмаси билан алоқа боғланди.

Ўтган йилнинг апрел ойида товуқ ва

Касаба уюшма: бугун у қандай бўлиши керак?

жўжалар харид қилиниб, ишга киришилди. Мавжуд 21 та цехнинг 7 таси қайта таъмирланиб, парранда боқиш имкони яратилди. Хувиллаб қолган цехлар янада гавжумлашди. 156 нафар киши иш билан таъминланди. Ўтган бир йилнинг ўзидаёқ муайян натижалар кўзга ташлана бошлади. Ишчи-хизматчилар ойлик, мукофот, моддий ёрдам пулларини ўз вақтида олиб туришибди. Айни чоғда товуқбоқарларнинг ўртача ойлик маошлари ўн олти минг сўмдан ошяпти.

Ишчиларга хавфсиз иш шароити яратиш, уларнинг унумли меҳнат қилишларини таъминлаш асосий вазифамизга айланган. Энг аввало ҳар бир цехдаги ювиниш хоналари иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган. Дам олиш хоналари таъмирланиб, ишга туширилди. Барча ходимлар техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилган. Уларга махсус кийим-бош берилган. Жамоа ахли саломатлиги муҳофазаси устидан қатъий назорат ўрнатилган. Хусусан, бу ерда тиббий маскан ишга тушириб, ходимлар саломатлиги назоратдан ўтказиб борилади.

Жамоамизда ҳомиладорлик таътили арафасидаги аёллар саломатлигига айниқса эътибор берилади. Зарур бўлган чоғда уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги имзоланган жамоа шартномаси шартларини бажариш, ишчилар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш асосий юмушларнинг бири бўлиб қолмоқда. Ҳар бир ходим сифатли ва самарали меҳнати учун қўшимча мукофотланади. Бундан ташқари ишга келиб кетиш сарф харажатлари корхона ҳисобидан қопланмоқда. Ана шу мақсадда ҳар ойга 500-550 минг сўм атрофида маблағ сарфланади. Марака ва маросимларни ўтказишга мавжуд автотранспорт воситалари бепул хизмат қилиб беради. Корхона ҳудудида ишчилар ошхонасини ташкил этганмиз. Барча ишчи-хизматчилар бепул тушлик билан таъминланган. Кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларни ижтимоий муҳофазалаш, уларга моддий кўмак кўрсатиш борасида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Шунингдек, ҳудудимиздаги умумтаълим мактаб болалар боғчасига хомийлик мадади кўрсатиб келяпмиз.

Ўтган бир йилда парваришланаётган паррандалар сони 65 мингтадан ошди. Айни чоғда ҳар куни ўртача 20-22 минг донадан тухум тайёрлашга эришаяпмиз. Истиқболда режаларимиз ҳам чакки эмас. Хусусан, паррандачиликни ривожлантириш ҳисобига мавжуд иш ўринларини 250 тага етказишни ният қилганмиз.

Саттор СУЛАЙМОНОВ.
Шароф Рашидов туманидаги «Бобур» номли паррандачилик ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.

Пайариқ тумани Машина — трактор паркида 11 та «Кэйс» русумдаги комбайнлар мавжуд бўлиб, бу йил жамоа 11 та ширкат ва 400 га яқин фермер хўжаликлари экин майдонидаги ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш шартнома мажбуриятини олишган. Иш унумининг юқори бўлишини таъминлаш мақсадида ишчиларга мавсумда махсус кийим-бош, даланинг ўзида кўчма техник ва тиббий хизмат ташкил этиш режалаштирилган. Ҳозирда ғалла ўримини кўнгилдагидек ўтказишга қаратилган сўнгги тайёргарлик ишлари якунига етказилмоқда.

Суратларда: бўлим бошлиғи Дўстмуҳаммад Мирзақодиров ишчилар даврасида; илғор комбайнчи-оператор Омон Эрбоев.

Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.

Нукус шаҳрининг 70 йиллиги олдидан

Вазирлар Маҳкамасининг «Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарорига асосан юбилей шу йилнинг кузида ўтказилади.

Нукус — мамлакатимизнинг шимолий ҳудудидаги навқирон шаҳарлардан ҳисобланади. Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган, Жануб ва Шарқдан Қизилқум чўли билан ўралган. Шу кунларда шаҳар юбилейига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Нукус Оролбўйининг гўзал гўшаларидан бири бўлиб, қурилиши 1932 йилда бошланган. Амударё соҳилига туташган бу сўлим масканда ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, руслар, корейслар, татарлар, украинлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари қорақалпоқлар билан ҳамкору ҳамжиҳат, дўст ва иноқликда яшайдилар.

Шаҳарнинг кун ботиш томонида жойлашган Шоша қалъасидан топилган осори-атиқалар ўтмишда бу ерда қабилалар ва элатлар яшаганлигини исботлайди.

Қабристон остида қолган қалъа атрофи қалин деворлар билан ўралган. Тарихий манбаларни ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, Шоша қабристони атрофидаги қадимги қўрғон бизнинг эрамизгача IV асрда, бундан 2400 йил илгари қурилган. Ҳозирги Қорақалпоғистон, Хоразм воҳаси ва қўшни Туркманистон Республикасининг Тошҳовуз вилоятларини ўзида бириктирган Хоразм давлати ҳукм сурган даврга тўғри келади.

Йирик сув йўли ҳисобланган қадимий Жайҳун дарёси орқали Мағрибу Машриқдан карвонлар келган. Беруний туманидаги Султон Ваис бобо қабристони ёнидаги Говур, Нукус шаҳри яқинидаги Тўқ қалъалари бир вақтлар гуллаб-яшнаган аҳоли масканлари бўлган.

Давлат чегараларини мудофаа қилиш учун ўнлаб қалъа ва қўрғонлар қад кўтарган. Ўзаро урушлар ва босқинчилик ҳаракатлари туфайли Шошада ҳаёт сўнади. Фақат VII асрдагина бу ерга Сирдарёнинг қуйи қирғоқларида истиқомат қилувчи қабилалар келиб ўтроқ ҳаёт кечира бошлайдилар. Ўз даврида кема қатновининг кучайиши, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, баликчиликнинг ривожланиши туфайли аҳоли сони кўпайиб боради.

Нукус XXI асрнинг кўркам шаҳридир. Юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида кўрсатиб ўтганларидек, Оролбўйида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, бунёд этилган янги иншоотлар, замонавий корхоналар, йўл ва кўприклар қурилишида нукусликларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Шаҳар Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик офат минтақасида жойлашганига қарамай, мустақиллик йилларида Қорақалпоғистоннинг йирик саноат, илм-фан ва маданият марказига айланди.

Марказий Осиё Республикалари давлат бошлиқларининг Нукусда ўтказилган иккинчи йиғинида қабул қилинган Орол ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури дастлабки самараларини бермоқда. Орол муаммосини ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилинаяпти.

Марказий Осиё минтақаси давлатлари раҳбарлари имзо қўйган Нукус декларацияси денгизнинг қуриши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда катта аҳамиятга эгадир. Умумий қиймати 300 миллион АҚШ доллардан кўп 20 та лойиҳанинг амалга оширилиши ижтимоий-иқтисодий, экология ва халқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Шаҳарда бунёд этилган «Катекс» комбинати ҳосилга бирламчи ишлов беришдан тортиб, трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ва пахта хом ашёсини ғалтакли тозаловчи завод, йигирув, тўқув, бўяш ва тикув цехлари каби тармоқларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ун ва спирт, мармар заводлари қурилганлиги, темир йўл вокзалининг таъмирланиши, оташнафас шоир Бердақ ва улуғ аллома Мирзо Улуғбек ҳайкалларининг ўрнатилиши, Амударё устига қурилган Нукус - Хўжайли кўпригги шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди.

Узунлиги 243 километрдан иборат — «Туямўйин - Нукус» ва 112 километрли «Нукус - Тахтакўпир» сув тармоқларининг ишга туширилиши, аҳоли хонадонларининг тўлиқ газлаштирилганлиги мустақиллик шарофатидир.

Давлат Университети, қўша-қўша касб-ҳунар коллежлари, «Она ва бола» скрининг маркази, Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти, Тез тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиаллари, замонавий усулда қурилган театр, спорт иншоотлари одамлар турмуш маданиятини ошиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Республикада шаҳарнинг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тадбирлари амалга оширилаяпти. Қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари давом этмоқда. Бошланган иморатлар қурилишини тугаллаш ва реконструкция қилиш, янги тураржой бинолари ва хиёбонлар барпо этиш, йўлларни кенгайтириш қизғин тус олган.

...Тунги қуюн теваракатрофни қора чодрасига ўради. Олисларда Оролнинг шурҳоқ ерлари оқариб кўринади. Саҳро бағрида қад кўтарган навқирон шаҳарнинг улкан миноралари ва кўп қаватли уйларнинг пештоқларида сон-саноқсиз чироқлар осмондаги юлдузлардек чарақлайди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказида мамлакатимизда аёллар ва эркаклар ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини таъминлаш мавзуига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбир мазкур марказ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ҳамда БМТ Тараққиёт

ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАБ

дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз парламенти аъзолари, ҳуқуқшунослар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Дунё тажрибасидан маълумки, аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгликни таъминлаш учун фақатгина тегишли қонунларни ишлаб чиқиш етарли эмас. Бунинг учун қонун ижросини таъминловчи махсус механизмлар яратилиши, ижтимоий институтлар самарали фаолият юритиши ҳам лозим. Тадбирда бу борада Ўзбекистонда самарали ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчилари асосий эътиборни ана шундай янги қонунлар лойиҳасига қаратиб, уларни яратишда масаланинг қайси жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши, бўлажак ҳужжатнинг халқаро қонунчилик тизими талабларига тўғри келиши борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

(ЎзА)

ТЎРТ ОЙДА ОЛТМИШТА КИЧИК КОРХОНА

Оҳангарон туманида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда ўтган тўрт ой мобайнида 56 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди. Шундан саккизтаси хусусий, тўрттаси жамоа корхонаси, 30 таси эса фермер хўжалигидир.

Зуҳра Усмонова тикувчилик корхонаси очиб, буюртмачиларга сифатли маҳсулот етказиб бермоқда. Шуҳрат Тоиров эса томорқа хўжалигида чорвачилик маҳсулотлари етиштирмоқда. Шунингдек, яна бир кичик корхона - «OHANGARON - EXPLOSIVES» масъулияти чекланган жамияти геология-қидирув ишлари олиб бориб, воҳа табиий ресурларидан фойдаланишни режалаштирган.

- Юридик мақомдаги кичик корхоналар узоғи билан ўн икки, жисмоний шахслар эса саккиз кун ичида рўйхатга олиниб, тегишли ҳужжатлар бериляпти, - дейди туман ҳокимлиги қошидаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими бошлиғи Файзулло Салоҳиддинов. - Бу ерда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнес вакилларига йўл-йўриқ, амалий ёрдам берилмоқда.

Туманда 2002 йилда аҳолини иш билан таъминлаш «Бандлик» дастурини бажариш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ қишлоқларда деҳқон хўжаликларини ташкил этиш яхшиланмоқда. Ҳозир хўжаликларда 25 гектар экин майдони аҳолига томорқа хўжалиги учун ажратиб берилмоқда. Натижада қисқа вақт мобайнида 14 та деҳқон хўжалиги давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият бошлади. Жорий йилда шундай хўжаликларни ташкил этиш ҳисобига 255 та янги иш ўрни очиш кўзда тутилган.

(ЎзА).

Жиноятга жазо муқаррар

БИЛЯРДХОНАДАГИ ҚОТИЛЛИК

Кейинги йилларда шахсий билярдхоналар фақат Урганч шаҳридагина эмас, балки туман қишлоқларида ҳам кўпайиб бормоқда. Бу яхши. Аммо лекини шуки, баъзи билярдхоналар тун бўйи ишлаб, спиртли ичимликка ружу қўйганлар, бекорчилар тўпланадиган жойга ҳам айланиб бормоқда. Оқибатда тартиббузарликлар келиб чиқмоқда.

Яқинда Урганч шаҳар судида «Амударё» кўчасида яшовчи Шавкат Машарипов томонидан билярдхонада содир этилган қотиллик иши кўриб чиқилди.

Можаронинг келиб чиқишига, фақат шишадаги оғугина эмас, Шавкатнинг манманлиги-ю, безорилиги ҳам сабаб бўлган. Ўша машъум воқеа қалбларни ларзага солди. Шавкат шаҳардаги «Мустақиллик» кўчаси 96-уйда яшовчи Шуҳрат Ибодуллаевнинг уйига меҳмонга борди. Иззат-икром билан меҳмон қилинган Шавкат мезбонни билярд ўйинига таклиф қилди. Уст-устига мағлубиятга учраган меҳмон аламини ароқдан олади. Унинг бахтига захри қотил бемаҳал вақт бўлишига қарамай, шу ерда топилақолди. Чўнтаги бўшаб, ўзиям роса пишиб етилгач, аламини кимдан олишини билмай қолди. Шунда у бирданига Шуҳратга ёпиша кетди:

— Мендан икки минг сўм қарздор эдинг, чиқар ўша пулни. — Ошнаси меҳмон билан ади-бади айтишни ўзига эп кўрмагач, дарҳол унга пул тутқазди. Бу пул ҳам Шавкатнинг чўнтагида узоқ сақланмади. У яна Шуҳратга ёпиша кетди. Энди Шуҳратниям ғазаби қўзғалганди...

Билярдхонадаги жанжал муштлашувга, охири қотилликка, Шуҳратнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлди. Шаҳар суди Шавкат Машариповнинг жиноий ишини кўриб чиқиб, уни тўққиз йилга озодликдан маҳрум қилди.

Шуниси ажабланарлики, тун бўйи билярдхоналарда содир бўлаётган тартиббузарликлардан наҳотки маҳалла фаоллари ва участка нозирлари хабардор бўлишмаса.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон телевидениеси ва «Ишонч» газетасининг қўшма рейди

Ҳадемай мамлакатимизнинг энг сўлим ва баҳаво масканларида жойлашган оромгоҳлар ўғил-қизларни ўз бағрига олади. Хўш, уларда бажарилган тайёрлаш-таъмирлаш ишлари, масканларнинг мавсумга шайлиги қай даражада?

Мазкур қўшма рейдда шу саволларга атрофлича жавоб топишга ҳаракат қилинди.

Рейд иштирокчилари дастлаб Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани ҳудудида жойлашган «Автомобилчи», «Камалак», «Кимёгар» ва «Сойлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бўлдилар.

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ: КАТТАЛАР БОЛАЖОНЛАР ОЛДИДА

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли санаторий туридаги «Автомобилчи» оромгоҳи. Озодалиги, янги бўёқдан чиқарилган йўлка четларию, тартиб билан шакл берилган дарахтзорлари билан эътиборни ўзига тортувчи бу оромгоҳда таъмирлаш ишлари аллақачон ниҳоясига етган. Ён-атроф саранжомсаришта. Ётоқхоналар ҳам болажонларни қабул қилишга шай.

Тўрт навбатда фаолият кўрсатувчи бу оромгоҳ ҳар бир навбатда меҳнаткашларнинг 320 нафар фарзандини ўз бағрига олади. Уларга масканнинг спорт майдончалари, турли тўгараклар, душхона ва чўмилиш хавзаси хизмат кўрсатади. Маънавият ва маърифат хонасидаги Президент асарлари, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг китоблари, жаҳон адабиёти дурдоналари ёрдамида ўғил ва қизлар дунёқараши, фикрлаши, билим доираси мустаҳкамланади. Дарвоқе, бу йилги мавсум олдидан оромгоҳнинг катта чўмилиш ҳавзаси мармар билан қопланиб, таъмирдан чиқарилди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси оромгоҳнинг тайёрлаш-таъмирлаш ишлари учун 12 миллион сўм, сув, электр энергияси, ошхона жиҳозлари, кўрпа-ёстиқ жилдлари, оромгоҳ ходимларининг маошлари учун 22 миллион сўм маблағ ажратди. Корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан китоблар харид қилиш, спорт жиҳозлари ва анжомлари, маданий-маърифий тадбирлар учун 500 минг сўм, дори-дармонларга 300 минг сўм ажратилди.

— «Автомобилчи» да яна бир хайрли иш бошланди, -дейди оромгоҳ раҳбари Йўлдош Очилов. —Бу ерда ота-оналарнинг фарзандлари билан бир вақтда дам олиб, хордиқ чиқаришларини таъминловчи коттеджлар қурилмоқда. Уларнинг ёнида чўмилиш ҳавзаси, волейбол майдончаси қурилади. Мазкур иншоотларнинг лойиҳалари ҳам замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб беради. Оромгоҳнинг ўз олмазор боғи, ёрдамчи хўжалигида етиштирилаётган помидор, булғор қалампири, бодринг, шунингдек, ўрик, гилос, кўксултон каби мева ва сабзавотлар болаларни кундалик сархил ва дармондориларга бой маҳсулотлар билан таъминлаш имконини беради.

Уюшма раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг изланувчанлиги, ишнинг кўзини билиб, оқилона йўл тутишлари натижасида 21 майгача 3 миллион сўмлик айнимайдиган ва тез бузилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бўлинди. Мавсум давомида оромгоҳни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун «Меҳрли савдо» Давлат корхонаси, «Чирчиқсавдо» га қарашли «Мададкор» савдо корхонаси билан шартнома тузилган.

«Технолог» очиқ акциядорлик жамиятининг «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам юқоридаги каби саранжомсаришталикнинг гувоҳи бўлдик. Мазкур масканда мавсумга тайёрлаш-таъмирлаш ишлари тугатилган бўлиб, хоналарни сўнгги тартибга солиш ниҳоясига етмоқда. Оромгоҳнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳар бир ётоқхона учун алоҳида фаррош тайинланганидир.

«Камалак» санаторий туридаги ҳордиқ маскани бўлгани учун болалар дам олиш билан бирга саломатликларини мустаҳкамлаш имкониятига ҳам эгалар. Шунингдек, зарур тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар ва соҳа мутахассислари билан таъминланган тиббиёт хонасида болажонлар зарур ҳолларда физиотерапия муолажалари — инголяция, УВЧ қабул қиладилар. Тарбиячи ва етакчилар педагогика олийгоҳларидан танлаб олинади.

— Оромгоҳни жорий йилги мавсумга тайёрлаш-таъмирлаш ишларига «Технолог» очиқ акциядорлик жамияти томонидан 10 миллион сўм ажратилди, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Васила Хошимова. — Ошхона жиҳозлари, хусусан, зарур идиш-товоқлар, кўрпа-тўшак жилдлари билан таъминлаш учун эса 5 миллион сўмлик маблағ ўтказилди. Оромгоҳимизда баҳор-

Тадбир

НАМУНАЛИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ

«Фарғонанон» ҳиссадорлик жамиятида «Ишонч» газетаси таҳририяти ва Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси ҳамкорлигида амалий семинар бўлиб ўтди.

— Семинар учун бежиз бу корхона танланмади, - дейди Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Шерхон Азимов. - «Фарғонанон» нафақат ўзининг сифатли маҳсулотлари, балки намунали солиқ тўловчи эканлиги билан ҳам обрў-эътибор қозонган. Ушбу йилнинг ўтган 4 ойи давомида ҳиссадорлик жамияти 30.852670 сўм қўшимча қиймат солиғи, 2018325 сўм мол-мулк, 8.120514 сўм экология, 322020 сўм сув, 1816180 сўм ер, 1003088 сўм инфратузилма солиқларини ўз вақтида тўлади.

«Фарғонанон» ҳиссадорлик жамияти бугун шаҳар аҳолисининг қарийб 90 фоизининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондирмоқда. Ушбу йилнинг ўтган 4 ой давомида 70 хил нон маҳсулотлари, 12 хил кондитер ва 4 хил макарон маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 200 миллион сўмга кўпайди. Бу меҳнат ютуқлари замирида корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси томонидан ишчи-хизматчиларга яратиб берилган шарт-шароитлар ётибди. Бу ерда йўлга қўйилган кучли ижтимоий ҳимоя, меҳнатни рағбатлантириш ўзининг ижобий натижасини беряпти.

— Ҳиссадорларга яхши ишлаб, дам олишлари учун қулай шарт-шароит яратиб беришда корхона маъмуриятининг ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда, - дейди «Фарғонанон» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Муталибжон Жалолов. - Жамоада 650 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг энг илғорлари яқинда корхона ҳисобидан Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларга саёҳатга юборилди. Куни кеча 19 нафар ходимимизни нафақага кузатдик. Корхонада кўп йиллик самарали меҳнатлари учун фахрийларимиздан ҳар бирига 50 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак. Бу ҳикматга амал қилаётган корхона жамоаси шаҳардаги 3-ўрта мактабни ва 3-болалар боғчасини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Бу йил ҳам «Фарғонанон» ишчи-хизматчиларининг 100 нафардан ошиқ фарзандлари ёзги таътилда вилоятнинг турли сўлим оромгоҳларида дам олдирилади.

Нафақат амалдаги солиқларни тўлашда, балки ишлаб чиқаришни намунали тарзда йўлга қўйган корхонада бўлиб ўтган амалий семинарда Республика Давлат солиқ қўмитаси ходими Ғуломжон Мусаев ҳамда вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи Усмонали Нишоновлар айни кунларда фарғоналик солиқчилар вилоятда солиқ қонунчилигига қандай амал қилинаётганлигини назорат қилиш билан бирга, тизим моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғиб қилиш учун бир қанча амалий ишлар қилинаётганлигини, «Ишонч» газетаси таҳририяти билан биргаликда ўтказилаётган тадбир ҳам айни шу мақсадга йўналтирилганлигини таъкидлаб ўтди.

— Ушбу тадбир уюштирилганлиги айни муддао, - дейди «Фарғонанон» ҳиссадорлик жамияти макарон цехи бошлиғи Султонбек Мавлонов. - Ўзаро фикр алмашиш, солиқ тизими ҳақида чуқурроқ тушунчага эга бўлишда бундай учрашувларнинг аҳамияти катта. Кейинги пайтларда бозорларда сифати кафолатланмаган, қаерда ва қачон ишлаб чиқарилганлиги номаълум макарон маҳсулотлари пайдо бўлаётганлиги бизни ташвишлантиряпти. Бундай қонунбузарликларга қарши ҳамкорликда жиддий курашмоқ, бу борада кенг жамоатчилик назоратини ўрнатмоқ лозим.

Амалий семинар якунида «Фарғонанон» ҳиссадорлик жамияти жамоаси келгусида ҳам энг намунали солиқ тўловчи корхона бўлиб қолиш ниятида эканлигини билдириб ўтди.

Кейинги йилларда солиқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасида доимий мулоқот ўрнатилди. Бу эса мамлакатимизда солиқ тизимининг янада ривожланишига, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ англаб етишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилмоқда.

Мўйдинжон СОБИТОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Оҳангаронлинпласт» ОТАЖ Кузатув кенгаши 2002 йил 28 июнда акциядорларнинг йиллик ҳисобот мажлисини ЎТКАЗАДИ

Манзил: Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳри Саноат минтақаси

Қатнашувчиларни рўйхатдан ўтказиш соат 13.00 дан бошланади.

Мажлис соат 15.00 да АЖ Мажлислар залида бошланади.

КУН ТАРТИБИ

1. Жамиятнинг 2001 йил хўжалик фаолияти ҳисоботи.

2. Дивидендлар ҳисоби ва уларнинг тўлов муддатларини тасдиқлаш.

3. Тафтиш комиссияси ва аудитор ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Турли масалалар.

2001 йил Молия-хўжалик фаолияти якунлари

Соф фойда - 1770 минг сўм

Баланс	йил бошида	йил якунида
АКТИВ:		
- Узоқ муддатли активлар	1285619	1288335
- Айланма активлар	672246	1227728
ЖАМИ актив бўйича	**1957865**	**2516063**
ПАССИВ:		
- Шахсий маблағлар манбаи	160510	159232
- Мажбурият	1797355	2356831
ЖАМИ пассив бўйича	**1957865**	**2516063**

Маълумот учун телефонлар: 5-37-31, 5-35-83, 5-19-51.

ШУ ТЎҒРИМИ?

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради.

САВОЛ: ***Мактабимизда ўқитувчи етишмаслиги туфайли мени муддатидан илгари 2 ёшгача бола парвариши таътилидан чақириб олишди. Туман халқ таълими бухгалтерияси фарзандимнинг 2 ёшгача тўланадиган пулини бермай қўйди. Бухгалтерия тутган йўл тўғрими?***

М.Мирзаева,
Фарғона вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Меҳнат кодексининг 234-моддасига биноан ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Аёлга, унинг хоҳишига кўра боласи 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил берилади. Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади. Сиз ўз хоҳишингиз бўйича фарзандингиз 2 ёшга тўлмай муддатидан илгари ишга чиқиб кетибсиз. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 18 феврал № 588, 35-сонли тасдиқланган Низомига биноан бола парвариши билан шуғулланган ходим фарзанди 2 ёшга етмай муддатидан илгари ишга чиқиб кетса ва тўлиқсиз иш куни билан таъминланган бўлса, бола парвариши билан шуғулланган онага нафақа берилиши тўхтатилмайди.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТИШДИ

Республика Олий хўжалик суди "Хўжалик ҳуқуқи" ўқув марказининг Наманган вилоят филиалида хўжалик суди судялари ва бошқа масъул ходимлар малакасини ошириш, суд, ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни такомиллаштириш мақсадида тест синовлари ўтказилди.

Тест синовлари водийда — Наманганда биринчи марта йўлга қўйилиб, ундан саккиз нафар ходим сўровнома саволларига жавоб бердилар. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад кадрларнинг мутахассислик билими ва касб маҳоратини юксалтиришдан иборат.

УЯЛИБ ҚОЛИШМАСИН

ги таътилда ҳам ўғил-қизлар ҳордиқ чиқариб, оилалари бағрига куч-қувватга тўплаб қайтдилар. Ҳозирда «Камалак» болажонларни қабул қилиб олиш учун шай. Бугунгача уч навбат учун ҳам йўлланмалар сотиб бўлинди. Таъкидлаш лозимки, йўлланмалар «Технолог» меҳнаткашларининг фарзандлари учун умумий нархининг 10 фоизи миқдорида белгиланган бўлса, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар учун бепул берилди.

Шу ўринда оромгоҳ Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона фаолиятини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Энг аҳамиятли томони шундаки, Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси тасарруфида мавжуд бўлган 9 та оромгоҳ, шу жумладан «Қамалак» оромгоҳини ҳам мунтазам равишда бадиий адабиётлар, зарур услубий қўлланмалар, лотин алифбосида чоп этилган китоблар, спорт жиҳозлари билан таъминлаб келмоқда. Бу йилги мавсум арафасида ҳам тармоқ шаҳар қўмитаси ҳар бир оромгоҳ учун 50 минг сўмлик китоб хадя этишни режалаштирган.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам шароит бирдек эмас.

«Чирчиқэлектрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсумга тайёргарлик ишлари анча суст эканлигининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, оромгоҳ ётоқхонаси ва ошхона тартибга келтирилмаган, каравотлар ташқарида очиқ ҳолатда ётибди. Хоналарни тозалаш ҳам амалга оширилмаган.

Тошкент вилоятидаги «Қишлоққурилиш» очиқ хиссадорлик жамиятига қарашли «Сойлиқ» болалар соғломлаштириш оромгоҳида аҳвол бундан ҳам ачинарли. Атрофдаги пала-партишлик, қурилиш ашёларининг ҳар ерда сочилиб ётганлиги, қаровсиз қолган ўчоқлар таъбингизни хира қилади. Болалар овқатланиши лозим бўлган ошхона атрофининг ярмига эндигина 3-4 қатор шлакоблок терилган холос.

— Оромгоҳда «Қишлоққурилиш» очиқ хиссадорлик жамиятининг «Паргос» шўъба корхонаси тайёрлаш-таъмирлаш ишларини олиб бормоқда, - деди мазкур шўъба корхонаси бошлиғи Қутимбек Самуқов. —Ҳозирда 25 нафар қурувчи ишламоқда.

— Аммо, нима учун ошхона, болалар ҳордиқ айвончаларида бирорта ҳам ишлаётган қурувчиларни учратмадик?!

— ...

— Оромгоҳни тайёрлаш-таъмирлаш ишлари қачон бошланганди?

— Жорий йилнинг апрел ойидан ишга киришилган эди. Таъмирлаш ишларини 25 майда якунлашимиз лозим.

Орадан шунча вақт ўтсада, ишлар хатто яримламаган. Энг долзарб масала — соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирган бир вақтда оромгоҳда на оромгоҳ бошлиғи Комилжон Махкамовни ва на бошқа масъул кишиларни учрата олмадик. Ишга бу каби совуққонлик билан ёндошишда тайёргарлик ишлари қачон тугатилади? Ваҳоланки Қ. Самуқовнинг айтишича, оромгоҳнинг 5 июндан биринчи навбат болаларини қабул қилиши белгиланган...

Ташқарига чиқариб ташланган каравотларни занг босган. Болаларнинг тантанали йиғилиш майдончасидаги ёритувчи чироқлар қийшайиб кетган. Тадбирлар намойиши ўтказиладиган саҳна манзараси яна ҳам ачинарли. Бу ерда на безак бор, на тасвир. Унинг қаршисидаги ўриндиқлар ўтларнинг одам бўйи ўсиб кетганидан кўринмай кетган.

Оромгоҳ худудидаги қурилиш чиқиндиларидан ташкил топган уюмлар, пала-партишликларни гапирмаса ҳам бўлади. Оғиздагина бажарамиз билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини корхона раҳбарлари унутмасликлари керак. Акс ҳолда масъулиятли мавсум кўнгилдагидек ўтмайди. Катталар болажонлар олдида уялиб қолишади.

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,
Ўзбекистон телевидениеси «Болалар» студиясининг катта муҳаррири.
Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси матбуот котиби.

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

2002 йил 1 июндан эътиборан 6 ой ва 1 йил муддатга қабул қилиниб, омонат миқдори ҳамда муддатига мутаносиб равишда йиллик 42 фоиздан 46 фоизгача даромад тўланадиган янги, манфаатли ва қулай бўлган

«ОНА ЗАМИН САХОВАТИ» жамғарма омонат турини таклиф этади.

Сиз, ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимида қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

«Пахта Банк» Сизларга соғлиқ, хуш кайфият ва оилавий бахт тилайди!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ - МАРРАДА

(Боши 1-бетда)

22 мингдан ортиқ томошабинни бағрига олган стадион спорт ўйинлари муносабати билан халқаро андозалар асосида тўлиқ қайта қурилди ва янгиланди. Спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиш учун 18 та зал ва майдонча қурилди. Томошабинлар ўтирадиган жойлар янгиланди.

Вилоятлар, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри терма жамоалари майдонга чиқади. Универсиадага барча худудлардан келган мухлислар ўз жамоаларини олқишлаб кутиб олади. Мухлислар гуруҳларини аниқ жадвал асосида етиб келишини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги республика темир йўл ва автомобил транспорти ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширди. Универсиадада республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондан қарийб 2280 нафар спортчи талаба иштирок этмоқда. Умуман олганда, бугун Бухорога меҳмонлардан ташқари спортга қизиқувчи 4 минг нафардан ортиқ йигит ва қиз, уларнинг тренерлари, шунингдек, талабалар ҳаваскор ижодий жамоалари ташриф буюрди.

«Бухоро» стадионининг меҳмон учун ажратилган жойидан Ўзбекистон вилоятлари ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси Раиси, республика вазирликлари, идоралари, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари раҳбарлари, ҳомий ташкилотлар вакиллари ўрин эгаллаган.

Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов республика талабалар спорт мусобақалари - «Универсиада-2002»ни очиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада-2002» республика талабалар мусобақалари қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Чироқлар нури камайтирилди. Стадион узра сукут чўмди. Бутун эътибор стадион марказига яқинлашаётган машъалага қаратилган. Бу «Универсиада-2002» машъаласидир. Уни кураш буйича жаҳон чемпиони Шуҳрат Хўжаев ва бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони Ойдин Файзиева - Бухоро олий ўқув юртлари талабалари кўтариб келмоқда.

«Универсиада-2002» машъаласи ёқилади! Ёркин аланга оқшом осмонини ёритди. Мамлакатимизда республика талабаларининг спорт мусобақаларини бежиз «кичик Олимпиада» деб аташмайди. Мақсади ва вазифаларига кўра улар тинчлик, бирдамлик ва демократия йўлида ўтказиладиган Олимпия ўйинлари талабларига жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янграйди.

Ўзбекистонда ёшлик ва спорт байрами бошланди ва ҳамманинг эътибори унга қаратилган. Мусобақалар 12 та спорт тури бўйича ўтказилади. Булар - баскетбол, волейбол, корт ва стол тенниси, курашнинг бухороча ва фарғонача тури, шахмат бўлиб, 2000 йил Наманганда ўтказилган талабалар ўйинларига қўшимча равишда бу йил гандбол, сузиш ва дзюдо турлари ҳам киради.

Тантанали очилиш маросими таниқли артистлар, хонандалар, республиканинг кўплаб ижодий жамоалари иштирокидаги катта концерт билан якунланди.

Бухорода «Универсиада-2002» очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

А.ИВАНОВА, И.САФАРОВ, ЎзА мухбирлари.

Ушбу лавҳалар бахтиёр ёшларнинг энг қувончли кунида — Сўнгги қўнғироқда олинган. Бу кун энди улар учун такрорланмас ва унутилмас кунга айланди. Энг азиз ва улуғ даргоҳ остонасидан улар мустақил ҳаётга қадам қўйдилар. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий йўналишдаги махсус гимназия битирувчилари ана шундай кўтаринки кайфиятда Сўнгги қўнғироқ онларини тантанали нишонладилар.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

СЕВИМЛИ МАСКАН

Касби туманидаги Фотиҳ Мусин номли оромгоҳ бу йил 450 нафар болани ўз бағрига олади. Бунинг учун қисқа муддатда 2 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди, 400 минг сўмлик ошхона жиҳозлари келтирилди.

Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги оталиғидаги мазкур оромгоҳнинг 8 гектарлик боғи бўлиб, соя-салқинлиги билан кишига ҳузур бахш этади. Ётоқхона, ошхона, болалар спорт майдончалари оталиқ ташкилот қурувчилари саъй-ҳаракати билан сифатли таъмирланди.

—Ҳар босқичда 150 нафар бола соғломлаштирилади, - дейди ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Абдуқодир Мақсадов. — Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган болалар хўжалик ҳисобидан дам олдирилади. Шуниси диққатга сазоворки, туман халқ таълими бўлими оромгоҳларда катта тажрибага эга бўлган мураббийлар хизмат қилиши учун улар ўртасида танлов ўтказди. Шунингдек, кутубхона ва тўгараклар мунтазам ишлаб туришини таъминлаш учун аниқ дастурлар ишлаб чиқилди.

Ш.СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Ёшинг улғайган сайин ёшлик хотиралари жонланиб, сенга тинчлик бермаслиги рост экан. Турдиқул бобо Элмирзабой ўғлини кўп эслайман: ажойиб инсон эди раҳматлик.

ҲАЛОЛЛИК буюкликнинг айни ўзидир

Худди кечагидек ёдимда. Бир сафар бозор қилиб келаётганларида йўл устида ҳамён ётганлигини кўриб қоладилар. У ёқ-бу ёққа қарасалар, ҳеч зот йўқ. Ҳамённи оладилар, уйга келиб очиб қарасалар, катта пул, иккита соғин сигир олса бўлади. Пулларнинг хилига қараб нечталигини алоҳида-алоҳида санаб чиқадилар.

Келгуси якшанба куни (Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Қалқама воҳасида ҳафтада бир марта бозор бўларди) Лангар қишлоғида истиқомат қилувчи Қиличхўжага «кимда-ким пул йўқотган бўлса, қалқамалик Турдиқулбобога учрашсин» деган мазмунда жар солдирадилар. Бу хабарни эшитган Тарағай қишлоғида яшовчи Жабборбобо ўзида йўқ суюниб югуриб келади. Турдиқул бобо, «ҳамёнингни ранги, туси қанақа, қанча пул, неча сўмликдан» деб сўраб, ҳаммаси тўғри чиққандан кейин пулларни эгасига қайтаради. Кўзларига ишонмаётган, лаблари гезариб кетган пул йўқотувчи хурсанд бўлганидан нима дейишини билмасдан лол-ҳайрон туриб қолади. Ўзига келгач, ҳамёндан 100 сўм чиқариб, суюнчи беради. Турдиқулбобо қанчалик қаршилик кўрсатмасин, пул йўқотувчи раҳматлар айтиб, мажбуран тутқазиб, ўз йўлига кетади.

Лекин буни қарангки, Турдиқулбобо ушбу 100 сўмни ўзининг пулларига қўшмай, ночор бир кишига садақа қилиб юборди. Мен қизиқиб: «бобо, ахир эгаси ўзи рози бўлиб берди-ку, бу ҳалол-ку», - деганим ёдимда. «Ҳа, ҳалол, - дедилар ўшанда бобом, - аммо мен ирим қилдим» деб гапни қисқа қилиб қўя қолдилар.

Аслида бобомнинг бу ишларида жуда катта маъно ётганини сўнг англадим. Чунки мана шу 100 сўм меҳнатсиз келаётган эди. Ваҳоланки, бу нарса бобом учун ёт эди.

«Ҳалоллик, - деб айтганди адиблардан Кристиян Боуви, - буюклик сари дастлабки қадамгина бўлиб қолмай, буюкликнинг айни ўзидир». Бинобарин, буюкларни излаб юриш шартмас, улар орамизда. Фақат уларни вақтида илғай билиш даркор. Энг яхши эътироф эса бу бизнинг шундай кишилардан ибрат олишимиздир.

Турдиқулбобом ҳаётига доир яна бир воқеани кўп хотирлайман. Биз 1969 йил февралнинг қаҳратон кунларининг бирида Норқобил тоға бошқараётган юк машинасида (у вақтларда одамлар автобус ҳақида фақат орзу қилардилар) Китоб туманидан Қалқама воҳасига йўлга чиқдик. Лойгарчилик бўлганлиги сабабли йўлнинг музлашини кутдик, вақт ярим кечадан ошгандан кейин Қалқама қайдасан, деб жўнадик. Қишлоқдан чиқиб, далалар, қир-адирлар орасидан ўтаётган вақтимизда машина чироғи ёруғида бир эчки янги туғилган улоқчаси атрофида гирди капалак бўлаётганини кўрдик. Шу атрофда тулки ҳам бир нарсани сезган чоғи, узоқлашмаяпти. Биз машинани тўхтатиб, эчкини боласи билан олиб кетдик. Машинада кетаётганлар Суюн Абдуллаев, Норқобил тоға ва энг кичигимиз Бўрон эди. Суюн домла (Қарши Давлат Университетининг кафедра мудири, доцент), сўзлаб: «Биродарлар, ҳаммамизнинг энг кичигимиз Бўрон, шунинг учун мана шу «овимиз» Бўронники бўлсин» дея таклиф киритди. Ҳаммамиз бир овоздан бу фикрни қўллаб-қувватладик.

Суюнжон ҳазиллашиб: «Бўрон тоға, келгуси йили улоқчани «тандир» қилганингизда чақирсангиз бўлгани» деди. Шундай қилиб, Турдиқулбобонинг кенжа фарзанди Бўрон қўшалоқ эчкилик бўлди.

Ўша йили қиш оғир келиб, одамлар бозор у ёқда турсин, ҳаттоки қўшнисиникига ҳам чиқа олмай қолганди. Орадан чамаси бир ойлар ўтгач, қорлар эриб, «бозор очилгандан» кейинги биринчи бозордаёқ Қиличхўжага бир сўм бериб «ким эчки йўқотди» деб чақиртирди (чақирувчи бир сўм оларди). Эчкининг эгаси ўша бозор куни чиқмади. Келгуси якшанбада ҳам «чақириқ» такрорланди... Ахири эчкининг эгаси чиқиб, кап-катта бўлиб қолган улоғи билан топширгандан кейингина Турдиқулбобо ором олди. Эчкининг эгаси ўз қишлоғи атрофини бир-икки қараб излаган, сўнг умидини узиб бўриларга ем бўлган бўлса керак, деб ўйлаб, ҳаттоки ёдидан ҳам чиқариб юборган экан.

Шукрки, дунёда бундай ҳалол кишилар орамизда кўп. Муҳими, бу инсоний фазилатлар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Турмушимизда ҳалоллик устун бўлганлиги учун ҳам кишилар ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирига садоқат ришталари мустаҳкамдир.

Инсонийликнинг шаффофдек мусаффо, биллурдек тиниқ, садафдек ақиқ, дуру жавоҳирдек қиймат-баҳо фазилати бўлмиш ҳалоллик туфайли дастурхонимиз тўкин, топган-тутганимизда барака бор. Ҳаёт жозибаси ҳам айнан шу ҳалолликдандир.

Мусоқул УСМОНОВ, профессор.

АЖОЙИБ КАШФИЁТ

Кунлардан бир кун фаранцуз физиги Жон Пельтье иккита ҳар хил ўтказгичдан ташкил топган электр занжири бўйлаб доимий токнинг ўтишини кузата туриб, ўтказгичлар бир бирига уланган жойда иссиқликнинг маълум миқдори ютилишини ва шунга мувофиқ занжирнинг шу жойи совишини сезиб қолди. Лекин бу тариқа ҳосил бўладиган суньий совиш заиф бўлиши сабабли ўша вақтларда ва кейин ҳам Пельтье самарасига унчалик аҳамият берилмади.

Орадан салкам бир ярим аср ўтгач, академик А.Иоффе ўтказгич сифатида металл ўрнига ярим ўтказгач материаллардан, жумладан висмут, теллур, селен ва сурма қотишмаларидан фойдаланишни таклиф этди.

Ана шу ярим ўтказгичлар занжиридан доимий ток орқали рисоладагидек суньий совуш ҳосил бўлди.

Эндиликда изланиши асосида ҳажми ангишвонадек, вазни граммлаб электрон митти совутгич қурилма яратилди. Бу асбоблар ҳароратни секин-аста пасайтириб минус эллик даражага тушира олади.

ЦИТОЛОГИЯ АСОСЧИСИ

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда ҳозир ер юзида тахминан 50.000 ўсимлик тури мавжуд. Итнинг эса 200дан ортиқ зоти мавжуд. Ана шу хилма-хил турлар орасида ҳайратга солувчи ўхшашлик бор. Фақат ташқи кўриниши билан эмас, балки ички тузилиши, хулқ-атвори билан ҳам улар бир-бирига ўхшайди.

Нега шундай? Бундан биз, одатда, ирсий хусусиятни сабаб қилиб кўрсатамиз. Маълумки, жамики катта-кичик жонзотлар жуда кўп ҳужайралардан тузилган. Барча тирик вужудлар ҳужайралардан ташкил топган, ҳужайра эса ҳаёт бирлиги деган фикрни биринчи бўлиб 1838 йилда немис ботаниги Шлейдан илгари сурди.

Мазкур фикрни бир йилдан сўнг яна бир немис олими Шван ривожлантирди. У цитология (ҳўжайралар ҳақидаги фан)га асос солди.

Белгиларнинг авлоддан-авлодга кўчишини биз насл деб атаймиз. Модомики ҳар қандай вужуд битта ҳўжайрадан пайдо бўлар экан, демак ҳўжайра, шунингдек, ирсий белгиларни ташувчи ҳаёт бирлиги ҳамдир. Мана шунинг ўзи ҳам барча жонзотлар учун хос бўлган муҳим хусусият ҳисобланади.

Ҳунармандчилик

Ўзбекнинг уйи тўрида сандиқ туради. Бу одат ҳатто барча қулайликларга эга турли хилдаги мебел тўпламлари бўлган хонадонларда ҳам миллий маданиятимизнинг кўзгуси сифатида асраб- авайланади.

Саидусмон Маҳмудов қўли гул сандиқсоз уста. У Тошкент вилояти Бўка шаҳрида яшайди. Ҳунарманд уста ясаган сандиқларга қанчадан-қанча сеплар жо бўлганини ҳеч ким билмайди.

САНДИҚ ЯХШИЛИК РАМЗИ

— Ишнинг боши халолликда,-дейди Саидусмон Маҳмудов. — Мен ҳамиша ана шу ақидага амал қилиб ишлайман. Халққа нафим тегаётганидан беҳад мамнунман. Аслида сандиқчилик ҳам санъат маҳсули. Ҳамиша ана шу ҳунармандчилик санъатига ўзимча сайқал беришни ўйлайман. Одамлар ният қилиб, меҳнатимиз маҳсулини харид этар эканлар, у узоқ йиллар давомида шу хонадонга хизмат қилсин дейман.

Ҳа, сандиқсозлик ниҳоятда нозик касб. Бунинг учун аввало уста сандиқбоп ёғочларни танлашга алоҳида аҳамият беради. Саидусмон аканинг айтишича, ёнғоқ, арча, қарағай дарахти ёғочларигина сандиқнинг пухта бўлишини таъминлайди. Ана шу қаттиқ ёғочлардан ясалган сандиқлар чидамли ва бежирим бўлиб, узоқ йиллар ўз ҳолатини йўқотмайди.

Айни кунда Саидусмон аканинг ўндан ортиқ шогирдлари устоз изидан бориб, элга ҳалол хизмат қилмоқда. Айниқса Қодир Қулназаров, Искандар Раҳимов, Абдумалик Абдуҳамидов каби иқтидорли ёш усталар ясаган сандиқлар харидорларни хушнуд этмоқда.

— Сандиқ — яхшилик, омонлик, тўй тантаналар рамзи, -дейди уста хушкайфият билан. - Негаки, сандиқни янги оила қураётган келин-куёвларга, янги уйга кўчиб ўтган ёшларга атаб харид қиладилар. Шу боис биз усталарнинг ниятимиз холис: юртимизда шодиёналар кўпаяверсин, ўзбекнинг боши тўйлардан чиқмасин.

Темур ҲАЙДАРОВ.

Куюнчак муштарий мулоҳазаси

Мен япончани билмайман. Мабодо учрашиб қолсак ҳам орага мутаржим, яъни тилмоч дегани тушади. Таржимани ҳам эплаган қилгани маъқул-да. Аммо эплай олмаса-чи? Яқинда кўрдим: нуфузли бир идорадаги хоналардан бирига «Муншийхона» деган лавҳа осиб қўйилибди. Унинг маъносини шу ерда ишлайдиганлар ҳам тушунтириб беролмади.

Ёки «муҳосиб» ни олайлик. Бу эскичасига «бухгалтер» дегани экан. Шуни оддийгина қилиб «ҳисобчи» деб қўйсак бўлмайдими? Ахир муҳосибнинг иши худонинг берган куни ҳисоб-китобку... «Инспектор» «йўриқчи» га айланди. «Йўриқчи» дегани асли «йўқловчи», «суриштирувчи» дегани шекилли. Баъзи шошқалоқларимиз судьяларни «қози» деб ҳам атаяпти. Ахир бизда ҳозирча қозихоналар эмас, судлар ишлаяпти-ку. Хуллас, кавлаштираверсанг гап кўп-да...

Пешлавҳаларни айтинг. Бирибиридан ғаройиб. Биттасини ўқиб қолувдим - ҳозиргача тушунмай ҳайронман. Нима дебди денг - «фалон-фалон жамоа хусусий корхонаси». Жамоаники бўлса хусусийга бало борми, хусусий бўлса жамоа нима қилиб юрибди бу ерда? Айтайлик, менинг кўйлагим бу - менинг хусусий мулким. Лекин шу билан бирга у ҳам жамоаники экан-да...

ХАВФСИЗ ЁНИЛҒИ БЎЛАДИМИ?

Илгарилари биқинига «огнеопасно» деган ёзуви бор машиналар бўларди. Машиналар-ку ҳозирам бор-а, ёзуви чатоқ-да. Энди у «хавфли ёнилғи» деб ўзгарибди. Биродарлар, ахир, хавфсиз ёнилғи ҳам бўладими? Шу жумлани эшитсам «Ёғлиқ ёғ» деган сўз эсимга тушиб кетаверади. Балки ўша ёзувни оддийгина қилиб «тез ёнувчан» деб қўя қолсак бўлармиди...

«Заправка» лар тепасидаги ўқлоғдай-ўқлоғдай битилган ҳарфлар бугун ҳайдовчиларга яхши таниш «АЁҚШ» -автомобилларга ёнилғи қуйиш шоҳобчаси дегани. Шуни оддийгина қилиб «Бензин» десак ҳам бўларди чамамда.

Кўча-кўйда эшитиб юрганларимиз ҳақида бутун бир достон қоралаб қўйса бўлади. Ҳозирда айрим ёшларимиз тилига тушуниш учун анчагина бош қотириш, китоб кўриш лозим бўлади. «А то» салгина «левий движение» қилсангиз бирон бир «чумо» қулоғингизга «лапша» осиб «прикол» қилиб қўйиши мумкин. Тушундингизми?

Норқувваш САРИЕВ, Ангор тумани.

Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган «Присс папируси» қўлёзмаси дунёда энг қадимги китоб саналади. Ҳикматли сўзлар йиғиндисидан иборат бўлган бу асар қадимги Мисрнинг Фива шаҳрида эрамиздан 2600 йил аввал топилган эди.

ЭНГ НОДИР КИТОБЛАР

* * *

Нью-Йоркдаги музейлардан бирида дунёда энг катта китоб сақланади. Бу китобнинг бўйи 3 метр, қалинлиги 1 метр, оғирлиги 125 килограмм келади.

* * *

XV асрда яшаган Туркия султони Маҳмуд иккининг 1953 йилда босилиб чиққан шеърлар тўплами дунёда энг чиройли китоб ҳисобланган. Бу нодир китобни яратиш устида қирқ нафар турк рассоми саккиз йил ишлаган.

* * *

Дунёда энг қиммат китоб —ўрта асрда яшаган машҳур немис матбаачиси Гутенбергнинг биринчи тавротидир. Унинг нархи 1миллион 300.000 маркага тенг деб баҳоланган.

А.АЛИЕВ.

БУ — ҚИЗИҚ!

Соатига 200 километр (сониясига 33 метр) ортиқ йўл босадиган ҳозирги замон пойга машинасида ернинг ўз ўқи атрофидаги бир кеча-кундузлик ҳаракатини қувиб ўтиш мумкин. Лекин буни экваторда амалга ошириб бўлмайди.

Чунки, ундаги нуқталар сониясига 464 метр тезлик билан ҳаракат қилади. Қутбдан 50 километр масофаларда яёв юрган киши ҳам ер ҳаракатини қувиб ўтиши мумкин.

* * *

Буюк олим Архимед қонунига биноан, сувда сузувчи жисм ўз оғирлигига тенг сувни қисиб чиқаради.

Бинобарин, кемалар ўз оғирлигига қараб сувга бир хилда ботиб юради. Сузувчи киши ҳам худди шундай. Унинг гавдаси 6 марта енгиллашади. Гавдаси сиқиб чиқарадиган сув оғирлиги ҳам 6 марта кам бўлади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 432. 1 2 3 4 5 6